

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИМИРЗАЕВ САНЖАР ТУРДИАЛИЕВИЧ

**ЙИГИРИШ ЖАРАЁНИ ТЕХНОЛОГИК ЎТИМЛАРИДА ТОЛА СИФАТ
КЎРСАТҚИЧЛАРИ ЎЗГАРИШИНING ИП ХОССАЛАРИГА
ТАЪСИРИ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НАМАНГАН- 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on technical sciences

Тожимирзаев Санжар Турдиалиевич
Йигириш жараёни технологик ўтимларида
тола сифат кўрсаткичларини ўзгаришининг
ип хоссаларига таъсири.....3

Тожимирзаев Санжар Турдиалиевич
Влияний изменения качественных показателей волокон
по переходам в технологическом процессе прядения
на свойства пряжи.....25

Tojimirzaev Sanjar
The influence of changes in the fiber properties
on the quality characteristics of yarn
in the spinning process.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works51

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИМИРЗАЕВ САНЖАР ТУРДИАЛИЕВИЧ

**ЙИГИРИШ ЖАРАЁНИ ТЕХНОЛОГИК ЎТИМЛАРИДА ТОЛА СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ЎЗГАРИШИНING ИП ХОССАЛАРИГА
ТАЪСИРИ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган- 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3.PhD/Т347 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Парпиев Хабибулла

Техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Юсупов Собиржон Абдужабборович

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «23» август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (386- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2020йил «20» октябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 20 октябрдаги «24» - рақамли реестр баённомаси).



Handwritten signature in blue ink

Р. Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О. Саримсаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Қ. Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон иқтисодиётининг етакчи ва истиқболли тармоқларидан бири тўқимачилик ва енгил саноат ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Туркия, Япония, Покистон, Араб мамлакатлари ва Индонезия тўқимачилик маҳсулотларининг асосий экспортёрлари ҳисобланади. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 80 фоизи шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, тўқимачилик хомашёси ҳисобланган, сифати ва физик-механик хусусиятлари юқори бўлган иплар ишлаб чиқаришда АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой каби давлатларда юқори натижаларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида корхоналарни техник ва технологик янгилаш, маҳсулот ассортиментини аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига мос ҳолда ўзгартириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон йиғирилган ип ва газламалар бозорида рақобатнинг юқори даражада эканлиги, маҳсулот сифати, миқдори ва ассортиментини тезкор ўзгартириш имконини берадиган замонавий, автоматлашган технологиялар ва ускуналарнинг яратилиши, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини янада оширишни таъминлайдиган йиғирилган ипларни тайёрлаш, меъёрий-технологик параметрларни ишлаб чиқишнинг янги техника ва технологияларини яратишни тақозо этмоқда. Бу борада йиғирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш, шу билан бирга, ип сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ип кўрсаткичларини оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқиш, йиғириш корхоналари учун юқори самарали техник, ўлчов ва назорат воситалари ҳамда технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда асосий тўқимачилик хомашёси бўлган пахта толаси ишлаб чиқариш ва уни чуқур қайта ишлаш асосида кенг ассортиментдаги юқори сифат ва паст таннархга эга бўлган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди¹. Ушбу вазифани амалга оширишда тўқимачилик ва тикув-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда турли ассортиментдаги яримтайёр ва тайёр маҳсулотлар, шу жумладан юқори сифатли ип ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хусусан, ипдаги нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш, ип ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, толадан ип чиқишини кўпайтириш, ип сифат кўрсаткичларини жаҳон бозори талабига мослиги ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 02 февральдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 05 майдаги ПФ-5989-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли «Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари вабошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика Фан ва техника-технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқимачилик саноатида жорий этилаётган илғор техника ва технологияларда маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ишчи параметрларини мақбуллаштириш, йигирув жараёни технологик ўтимларида толалар хоссаларининг ўзгариши ва ип сифатини яхшилаш масалалари бир қатор чет эл ва мамлакатимиз олимлари, хусусан, С.А. Лавренц, Ф.Лейфельд, А.Г.Севостьянов, И.Г.Борзунов, Н.М.Ашнин, К.И.Бадалов, Н.С.Каплан, П.Артцт, Р.С.Кумар, Дж.Ф.Богдан, В.В.Крылов, В.Ф.Ван Альфен, А.Кумар, С.М.Иштъяк, К.Р.Салхотра, М.А.Хаджинова, Қ.Ж.Жуманиязов, Қ.Ғ.Ғофуров, С.Л.Матисмаилов, У.Х.Мелибоев кабиларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Йигирув жараёнининг илмий хажмдор масалалари муайян даражада ўз ечимини топиб бораётган, ишлаб чиқариш техника ва технологиялари муайян даражада ривожланиб, техник-иқтисодий кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсиб бораётган бўлса-да, йиғирилган ип ишлаб чиқариш жараёнида ханузгача бир қанча муаммолар, жумладан, йигирув технологик машиналари ишчи органларининг муайян жараён учун энг мақбул параметрларини аниқлаш ва жорий қилиш ҳисобига ипдаги нуқсонларнинг (ИП) келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш, ип ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, толадан ип чиқишини кўпайтириш, ип сифат

кўрсаткичларини жаҳон бозори талабига мос келиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари ўзининг самарали ечимини топган эмас.

Аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, диссертация мавзуси нафақат тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари, балки бутун маҳаллий саноати учун ҳам муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Пахта ва кимёвий толаларни йигириш жараёни самарадорлигини ошириш” мавзусига асосан олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади йигирув жараёни технологик ўтимларида тола хосса кўрсаткичлари ўзгаришининг ип хоссаларига таъсирини ўрганиш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қабул барабани кинематик параметрларининг йигириш жараёнига таъсирини тадқиқ этиш ва асослаш;

бош барабан айланиш тезлигини тола сифатига таъсирини тадқиқ этиш ва асослаш;

шляпкалар ҳаракати тезлигининг таралаётган тола сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш ва асослаш;

ярим маҳсулотлар таркибидаги калта тола миқдори (SFC, %) ва непсларнинг ўтимларда ўзгаришини асослаш ва тадқиқ этиш;

пахта толасининг микронейр кўрсаткичи ва унинг ип сифатига таъсирини асослаш ва тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта толаси, ярим маҳсулот, таралган пилта, ип, тараш машинаси, пилталаш, пиликлаш ва ҳалқали йигириш машиналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини шляпкали тараш ва ип йигирув техника ва технологияси, якка иплар ассортименти, якка ипларнинг шаклланиш қонуниятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотларда йигирув корхоналарида ярим маҳсулотлар ва ип маҳсулотлари сифатини синаш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида, компьютер дастурий таъминоти ва баҳолашнинг замонавий ўлчов усул ва воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:

пахта толасини тараш жараёни тезлик параметрлари билан ип хоссаларининг ўзаро боғлиқлилик қонуниятларини инобатга олган ҳолда ипнинг муайян сифатини таъминлаш учун керакли бўлган рационал тезлик қийматларига эга бўлган йигириш технологияси ишлаб чиқилган;

йигириш жараёни параметрларининг ип сифатига таъсири таҳлили асосида зарур чизиқли зичликдаги йигирилган ип олиш учун зарур бўлган ўртача толалар сони диапозони аниқланган;

ип сифат кўрсаткичларининг шаклланиш жараёнини ўрганиш натижасида йигирилаётган пахта толаси микронейр кўрсаткичи 4,2 ва 4,8 орасида ошиб бориши ип нотекислиги ортишига олиб келиши исботланган;

пахта толасини йигириш жараёни назарий ва амалий таҳлили асосида калта тола миқдорий фоизининг ярим маҳсулот ва ипнинг асосий сифат кўрсаткичларига таъсири юқори эканлиги аниқланган;

ип хомашёси таркиби ва ипнинг шаклланиш жараёни таҳлили асосида аралашма тузишда калта тола миқдори (SFC), сарғишлик индекси (+b), пишиб етилганлик даражаси (Maturity ratio) ва непс (Neps) ни инобатга олиш зарурати асосланган;

пахта толасини тараш жараёни тезлик параметрлари ва ип хоссаларининг ўзаро боғлиқлик конуниятлари асосида ип тукдорлигига тараш тезликлари сезиларли таъсири йўқлиги исботланган;

амалий тадқиқотлар асосида йигириш жараёнида ипнинг параметрлари шаклланиши таҳлиliga кўра ипнинг керакли пишиқлиги ва йўғонлигини таъминловчи альтернатив чўзиш катталиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тараш жараёнида пахта тола хоссаларига таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва ушбу омилларни ипнинг сифат кўрсаткичлари непс (Neps) га ва нотекислигига (U%) таъсири аниқланган;

тараш жараёнида тараш тезликлари ростлаш параметрларини муқобиллаштириш натижасида, ишлаб чиқариш корхоналарида (мавжуд ўрнатилган параметрларга нисбатан 20-25 %) халқаро меъёрларга мос ип ишлаб чиқарилган;

йиллар давомида пахта толасининг микронейр кўрсаткичи ўзгариши ўрганилган ва ўрганишлар натижасида аралашма тузишда толанинг микронейр кўрсаткичи билан бир қаторда калта тола миқдори (SFC), сарғишлик индекси (+b), пишиб етилганлик даражаси (Maturity ratio) ва непс (Neps) ни инобатга олиш тавсия этилган;

пахта толасидаги калта толалар миқдори (SFC %) ўрганилган ва уни йигириш технологик жараёнида ипнинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

ипнинг турли чизикли зичликлари учун, унинг кўндаланг кесимидаги толалар сони аниқланган ва ипнинг сифат кўрсаткичларига бўлган таъсири аниқланган;

ипларнинг чизикли зичликларига мос равишда микронейр кўрсаткичларини танлаш тавсия этилган;

ишлаб чиқилган тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида ипларнинг сифат кўрсаткичлари 8-10 % яхшиланган ҳамда чиқинди миқдорини 3-4 % камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тараш дастгоҳининг технологик параметрларини ип хоссалари орасидаги боғлиқлик регрессион тенгламалар кўринишидаги математик модели қурилганлиги, ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш

мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари ва таҳлили ҳамда моделлаштириш натижаларининг тажрибавий маълумотлар билан таққослашига асосланади, олинган натижаларнинг реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ип ишлаб чиқаришда маҳсулотга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, йигирув корхоналаридаги мавжуд тараш жараёнида ишчи қисмларнинг тезлик параметрларини математик моделлар ёрдамида муқобиллаштирилганлиги ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичларига таъсир этгани билан изоҳланади.

Тўқимачилик саноатининг ип йигириш жараёнлари қаторида толаларни титиш, тозалаш ва тараш технологик тизимлари дасгоҳларининг ишчи қисмлари параметрлари жуда хилма хил бўлиб, уларни тўғри танлаш, технологик жараёнларда тола хоссаларини сақлаган ҳолда йигирилган ипларни халқаро меъёрларда талаб этилган даражадаги хусусиятларини таъминлаш илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йигирув жараёни технологик ўтимларида тола хосса кўрсаткичлари ўзгаришининг ип хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта толасини тараш, чўзиш ва бураш жараёнлари рационал тезлик параметрлари «O'zto'qimachilik sanoat» уюшмаси таркибига кирувчи «URG TEX» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2020 йил 12августдаги № 04/18-1918 сонли маълумотномаси). Натижада корхонада йигирилган ип физик-механик хосса кўрсаткичларини Uster® тизими талабларининг 5 % лик сифат даражасига олиб чиқиш орқали маҳсулот сифатини ошириш имконияти юзага келган;

янги технологик параметрларга эга бўлган йигириш технологияси «O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасига қарашли «FT-TEXTILE GROUP» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2020 йил 12августдаги № 04/18-1918 сонли маълумотномаси). Натижада, маҳсулот сифати ва жиҳозлар иш унумининг ошишига, йигирув жараёнида ип узилишлар сонининг 20 % гача, қайтим ва чиқиндилар миқдорининг икки баробар камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Адабиётлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари” деб номланган биринчи бобида тўқимачилик саноати тараққиёти ва истиқболлари, тўқимачилик хомашёси, маҳсулотлари ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари, пахта толасининг хоссалари ва улардан тайёрланадиган тўқимачилик маҳсулотларига кўйиладиган талаблар, тараш машинаси жиҳозларининг технологик, конструктив ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари ҳамда толали маҳсулотларини тараш техника ва технологиялари тараққиёти ва самарадорлигини ошириш йуллари каби масалалар бўйича адабиётлар таҳлилига бағишланган.

Маълумки, тўқимачилик саноатини негизи йигирув жараёни бўлиб ҳисобланади. Ип йигириш жараёнида толаларни титиш, тозалаш ва тараш технологик тизимлари машина ишлаб чиқарувчи фирмаларда жуда ҳилма ҳил бўлиб, уларни тўғри танлаш, технологик жараёнларда тола хоссасини сақлаш ва ипларни зарур хусусиятларини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Толалардан бир текисда ихтиёрий чизиқли зичликдаги ип йигириш учун, улар бир-биридан тўла ажратилган, етарли даражада тозаланган ва тартибли жойлашган бўлиши керак. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда толаларни юқорида кўрсатилган ҳолатда тайёрлашнинг энг мақбул ва ягона технологияси тараш жараёни бўлиб ҳисобланади.

Тараш машиналарида тараш жараёни- машина ишчи органлари сиртлари копланган гарнитураларнинг ўзаро таъсири натижасида амалга оширилади.

Гарнитуралар тола тутамчаларини алоҳида толаларга ажратади, ёпишқоқ майда бегона жисмлар ҳамда калта толалар чиқиндига чиқади ва тарамдаги толалар маҳсулот йўналишида ориентацияланиб, пилта шаклланади.

Шунинг учун тараш машинаси йигириладиган ипнинг сифати ва хоссаларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги тараш машиналари ҳаракат тезликлари аввалги тараш машиналарига нисбатан уч мартадан кўпроқ, яъни бош барабан 200 мин^{-1} дан 900 мин^{-1} гача, қабул барабани 700 мин^{-1} дан 2700 мин^{-1} гача, шляпкалар ҳаракат тезлиги эса 100 мм/мин дан 400 мм/мин гача оширилгани натижасида тараш машинаси иш унумдорлигининг кескин ошишига эришилган. Шунга мос равишда ўтимларда толанинг сифат кўрсаткичларида ўзгаришлар содир бўлади. Шунинг учун ип ишлаб чиқаришда хомашё ресурсларидан унумли фойдаланиш ва технологик

Ўтимларда пахта толаси хосса кўрсаткичлари ўзгаришини ипнинг хосса кўрсаткичларига таъсирини атрофлича ўрганиш долзарб муаммога айланди.

Бундан ташқари ип таркибий тузилиши ва хоссаларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида технологик жараёнларни муқобиллаш, йигириш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Йигирув жараёни техника ва технологиялари тез суръатларда такомиллашиб бориши, хусусан, технологик жихозларда электр-энергияси кам сарфлиги, ресурстежамкорлиги, иқтисодий самарадорлиги, эргономик-бошқариш қулайликлари, автоматлаштирилган, роботлаштирилган ва компьютерлаштирилган тизимда ишлаши йигирилган ип ишлаб чиқарувчилар учун бир мунча қулайликлар яратмоқда.

Тадқиқот ишимизни мақсади йигириш жараёни технологик ўтимлари бўйича толаларни ўзгаришини ип хоссларига таъсирини ўрганиш, шунинг учун ип ишлаб чиқариш жараёнида ип сифатли бўлиши албатда ҳом ашё тола етарли даражада ҳас-чўп ва бегона жисмлардан тозаланган, бир биридан тўла ажратилган ва толалар паралелл жойланган бўлиши керак. Толаларни ориентацияси бутун йигириш технологик жараёнига таъсир этади. Бу ишларни бажариш асосан тараш жараёни ҳисобига оширилади. Жараёнларда ипнинг сифатини характерловчи манба тараш жараёни бўлиб, тараш жараёни ип сифати шакилланишида катта аҳамиятга эга. Шунингдек, чўзиш жараёни тарашдан кейинги жараён бўлиб ҳисоблансада пилталаш ишининг яхши кечиши, тарашдан таъминланаётган тараш пилтасининг сифатига боғлиқ бўлади. Бизни тадқиқот ишларимизда ўтимлар бўйича, ҳар бир жараёнда олиб борган тадқиқот ишларимиз алоҳида алоҳида ип кўринишига олиб борилиб, ип сифати таҳлил этилган. Ва шу асосда ҳар бир ўтимларда тола ўзгаришининг ип сифатига таъсири ўрганилган.

Йигирув корхоналарнинг ривожланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсаётганлигига қарамай, ип-калава ишлаб чиқариш жараёнида ханузгача бир канча муаммолар ўз ечимини кутмоқда, жумладан;

ипдаги нуқсонларни (ИП) келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш йўллари;

ишлаб чиқариш унумдорлигини оширилган ҳолда пахта толасидан ип олиш даражасини кўпайтириш;

ип сифат кўрсаткичларини жаҳон бозори талабига мос, рақобатбардош юқори сифатга олиб чиқиш.

Бу муаммоларни ечими сифатидайигирув технологик жараёнидаги машиналарининг ишчи органларини муқобил параметрларини аниқлаш зарурлиги келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасига кўра тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Шляпкали тараш машинаси параметрларининг тола хосса кўрсаткичларига таъсири”** деб номланган иккинчи бобида тола, пилта ва ип хоссаларига тараш машинаси тезлик режимларининг таъсири тадқиқи бўйича назарий тадқиқот ишлари натижаларига қаратилган. Тараш машинаси технологик жараёнини оптималлигини таъминлаш кўплаб

омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш кўп сонли тажрибаларни олиб борилишини талаб қилади. Оптималлашда асосий масала тараш машинаси ишчи зоналари ишига таъсир қилувчи аҳамиятли омилларни аниқлаб олишдир, бунда тараш машинаси бош барабан, шляпкалар ва қабул барабани тезлик параметрларини муқобиллаштириш ип ишлаб чиқаришда тола чиқиндиларини меъёردа сақланиши, машина ишчи қисмларини иш умрини узайтиришга ва қолаверса тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади.

Шляпкали тараш машинасида тараш йигирув тизимида толаладаги хас-чўп ва нуқсонлардан тозалашнинг сўнгги жараёни ҳисобланишига қарамай, хас-чўп, бегона жисмлар ва толали нуқсонлар тўла-тўқис тозаланмайди. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, тараш машинасининг ўзи ҳам нуқсонлар, хусусан, непсни қўшимча пайдо қилувчи манба ҳисобланиб, таралган пилта сифат кўрсаткичларини пасайтиради.

«URG TEX»МЧЖ корхонасида ўтқазилган тажриба натижаларига асосан тараш машинасининг тараш зоналари органларини толаларни хоссаларига таъсири асосан тараш машинаси қабул барабани зонаси, ва бош барабан билан шляпка зонасида бўлишини, шунингдек, тараш жараёнини бутун технологик жараёнга аҳамиятлилиги инобатга олинди. Хозирги тараш машиналарининг тезликлари олдинги тараш машиналарига нисбатан тезликлари ошганлиги албатда тола хоссаларига таъсир этиши аниқ. Ип сифатида хозирги кунда долзарб муаммо бўлиб турган перс миқдори тўғридан-тўғри тараш ишига боғлиқ ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб Trützschler TC-15 русумидаги тараш машинаси ишчи параметрлари тезликларини оптималлаш учун белгиланган тартибда ишлов берилиб, регрессия коэффицентларининг аҳамиятга моликлиги Стюдент мезонидан фойдаланиб баҳоланди. Олинган регрессион математик моделнинг адекватли, яъни жараённи тўғри акс эттириши Фишер мезонидан фойдаланиб аниқланади. Баҳолаш мезонларини адекват тавсифловчи кўйдаги регрессия тенгламаси олинди,

йигирилаётган ипнинг нуқсонлари, непс/км учун:

$$Y_R = 182 - 22,75x_1 - 25,1x_2 + 32,6x_3 + 13,0x_1x_3 - 17,1x_1^2 - 15,5x_2^2 \quad (1),$$

НамМТИ нинг Ахборот технологиялари марказида Paskal дастурлаш тилида тузилган дастурларда (1) ҳисобий модел асосида мақсад сирти қирқимларида чиқувчи параметрлар катталикларининг ўзгаришини ифодаловчи изочизиқлар олинган (1-3 расмларга қаранг).

1-3 расмларда изочизиқларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга эга бўлинди, бош барабан айланишлар тезлиги, шляпкалар ҳаракат тезлиги оширилганда ипдаги непс сифат кўрсаткичи камаяди. Бунда шуни эсда тутмоқ лозимки, бош барабан айланишлар тезлиги ва шляпкалар ҳаракат тезликлари минимал тезликда ипнинг сифат кўрсаткичларида кутилган натижага эришиб бўлмайди. Ипнинг перс сифат кўрсаткичларининг минимал

қийматига қуйидаги тадқиқ этилаётган омилларнинг оптимал кўрсаткичида эришиши аниқланди:

Бош барабан айланиш тезлиги- Cylinder 560 (мин⁻¹);


Шляпкаларнинг ҳаракаттезлиги – Flats 360 (мм/мин);

Қабул барабани айлаништезлиги – Liker-in 1200 (мин⁻¹).

Амалий ва уч омиллик тажрибалар натижасида олинган регрессия теғламаларининг аналитик ечимлари ечилишида олинган сиртнинг оғиш изолиниялари чизмаларитаҳлили шуни кўрсатдики, тараш машинаси бош барабан ва шляпкалар тезликлари қабул барабан тезлигига нисбатан самарали таъсир қилар экан.


Тараш машинасида қабул барабани, бош барабан ва шляпкалар тезликлари соҳасидаги ўзгариши ипда ҳосил бўладиган перс кўрсаткичларини характерлайди.

Қабул барабани тезлиги ошиши билан барабан сиртига ўралган дағал арра тишли гарнитуранинг толаларга зарбий таъсири ҳам ошади. Толалар узилиши ёки шикастланиши ўз навбатида толали маҳсулотларда калта тола миқдорининг ошишига олиб келади. Демак, толанинг штапель узунлиги ҳам камаяди. Толаларнинг узулиши ва шикастланиши, тола узунлиги калталаниши бевосита ип хосса кўрсаткичларига таъсир этади. Омиларни ўзгаришининг ипдаги перс кўрсаткичларига ўзаро таъсири изолиниялари.




1-расм. Қабул барабани ва шляпка тезликларини

$N = f(L_{\text{каб.бар}}, F_{\text{шляпка}})$, ипдаги перс кўрсаткичларига боғлиқлик
изолиниялар



2 расм. Қабул барабани ва бош барабан тезликларини $N = f(L_{\text{каб.бар}}, C_{\text{бош.бар}})$ ипнинг перс кўрсаткичларига боғлиқлик изолиниялари графиги



3-расм. Бош барабан ва шляпкаларнинг тезликларини $N = f(C_{\text{бош.бар}}, F_{\text{шляпка}})$ ипнинг перс кўрсаткичларига боғлиқлик изолиниялари.

Шляпка ҳаракат тезлиги оширилганда толали маҳсулотни қайта ишлаш учун шляпкалар сони толалар билан кўпроқ ўзаро таъсирга киришади ва улар неслар камайишига олиб келади. Шунингдек шляпка ҳаракат тезликлари оширилиши ҳисобига шляпкалар тозаловчи валик билан ҳам кўпроқ таъсирда бўлиб, шляпкалар тозалиги таъминланиб, тараш самарадорлиги яхшиланишига эришилади. Шляпкалар ҳаракат тезлиги ошиб бориши билан ипнинг нотекислиги пасайиб боради. Шляпка ҳаракат тезлиги ошганда неслар ва калта тола (SFC) улуши камаяди, толалар текисланиши ошиб, ип нотекислиги пасаяди. Яна шуни таъкидлаш керакки, шляпка ҳаракат тезлигидан қатъий назар ип ингичкаланиши сари унинг нотекислиги ошади.

Тараш машинаси бош барабанининг юқори тезлигида ипнинг умумий нуқсонлар (калин жойлар +50 %, ингичка жойлар-50 % ва тугунаклар ± 200 % йиғиндис-IP) кўрсаткичини камайтиради.

Диссертациянинг «Технологик ўтимларда тола сифат кўрсаткичлари ўзгаришининг ип хосса кўрсаткичларига таъсири тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида Наманган шаҳридаги «Namangan to'qimachi» МЧЖ

ва Урганч шаҳридаги «URG TEX» МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқот ишларида ўрта толали, селекция нави; С-6524, Наманган-77, Бухоро-6, Хоразм-127, IV-тип, 1-2 сорт пахта толасидан фойдаланиб, ўртача чизиқли зичликдаги халқали йиғириш усулида иплар ишлаб чиқарилган.

Йиғирилган ипнинг сифатли бўлиши ва зарур бўлган хосса кўрсаткичларни таъминлаш тола сифат кўрсаткичлари биринчи таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилса, иккинчи омил бўлиб технологик жиҳозларнинг ростилаш параметрлари ҳисобланади.

Йиғириш корхоналарида ҳомашё нарҳи ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шунинг учун тадқиқот ишларимизда тола сифат кўрсаткичларини чуқурроқ ўрганишни ва уларни ип сифатига таъсирини аниқлаш зарур бўлади.

Пахта толасининг пишиб етилганлик даражаси муҳим хосса кўрсаткичлар туркумига киради ва уни аниқлаш жуда ҳам сермехнат жараёндр. Бу ишларни асосан илмий тадқиқот марказлари ёки муассасаларида амалга ошириш мумкин. Демак, ип хоссаларини режалаштиришда альтернатив ендашувлар асосида пахта толаси микронейрини тадбиқ этиш аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Микронейр кўрсаткичини аниқлаш сонияларни талаб этади холос. Тола микронейр курсаткичи ипнинг кўдаланг кесимидаги толалар сони ўзгаришига таъсир этади. Толаларни озайиши ёки кўпайиши ипнинг сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир этади. Микронейрнинг базавий қиймати 3,2 ва 5,9 ораликда ўзгаради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, чизиқий зичлиги 18,5 дан 20,0 текс гача бўлган ип кўндаланг кесимидаги толалар сони 119 дан 140 гача, яъни Mic 3,6-4,2 оралиғида ип физик-механик хоссалари яхшиланиши аниқланди.

Одатда, толанинг чизиқий зичлиги кичик бўлса, ипнинг пишиқлиги юқори, нотекислиги эса пастлиги кузатилади. Шунинг учун микронейр кичик бўлиши ип сифати яхшиланишига олиб келади. Микронейр қиймати ва толанинг ингичкалиги орасидаги боғланиш қуйидаги формула орқали ифода этилади:

$$T = \frac{Mic}{25,4}; \quad (2),$$

Бунда: T – чизиқий зичлик, мтекс; Mic – толанинг микронейри.

Ип хоссасини лойиҳалашда ва пахта толаси турларини танлашда микронейр қийматини ҳисобга олиш муҳим. Микронейр кўрсаткичи юқори бўлган пахта толаси, ип кесимидаги толалар сони камайишига олиб келади, бу эса келгуси жараёнларда ип сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувига таъсир қилади. Ип кўндаланг кесимидаги толалар сонини Хиндистоннинг SITRA олимлари томонидан таклиф этган қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$n = \frac{5314,87}{Mic * 0,354 * Ne} \quad \text{ёки} \quad n = \frac{15000}{Mic * Ne}; \quad (3),$$

Бунда: M_c – тола микронейри; N_e – ипнинг инглизча номери; 5314,87 - денъетизими ва N_e тизими орасидаги боғланиш коэффициенти.


Турли микронейр кўрсаткичига эга бўлган республикада етиштиралаётган пахта селекцион навларидан, турли ҳил чизиқли зичликдаги ип кесимидаги толалар сонини ҳисобланди ва жадвал кўринишига келтириб олинди (1-жадвалга қаранг).

Пахта толаси микронейр кўрсаткичи 4,2 ва 4,8 (4-расм) орасида ошиб бориши ип хоссалари бўйича нотекислиги ортишига олиб келади, яъни чизиқий зичлик бўйича – 14,85 % гача, узиш кучи бўйича - 11,6% гача, узилишдаги узайиш – 10,1% гача, нотекислик(U,%) бўйича – 6,2% гача ўзгаради. Мазкур тадқиқотда калта тола миқдори (SFC)нинг, непс ва ифлосликларнинг ип хосса кўрсаткичларига ҳамда толадан ип чиқиш миқдорига таъсири ўрганилди. Калта толалар индекси (SFI) деганда узунлиги 0,5 дюймдан (12,7 мм) кам бўлган толалар тушунилади.

1-жадвал

Микронейр кўрсаткичининг турли катталикларида турли чизиқли зичликдаги ип кўндаланг кесимидаги толаларнинг ўртача сони


Микронейр	<i>Ип кўндаланг кесимида ўртача тола (дона)</i>				
	Ипнинг чизиқли зичлиги, текс (N_e)				
	14,7(N_e 40)	16,4 (N_e 36)	20 (N_e 30)	25(N_e 24)	29 (N_e 20)
3,6	104	115	139	173	208,3
3,7	101	112	135	169	202,7
3,8	98	110	131	164	197,3
3,9	96	107	128	160	192,3
4,0	94	104	125	156	187,5
4,1	92	101	122	152	182,9
4,2	89	99	119	149	178,5
4,3	87	96	116	145	174,4
4,4	85	94	114	142	170,4
4,5	83	92	111	139	166,6
4,6	81	90	109	136	163,0
4,7	79	88	106	133	159,6
4,8	77	86	104	130	156,2



4-расм. Микронейёр кўрсаткичини ипнинг узиш кучи R_{cN} ва нисбий узилыш кучи $R_{km\ cN}/\text{tex}$ га таъсири.

Маълумки, бундай узунликдаги толалар йиғиришга тайёрлов ўтимларида чиқиндига ажралиб, чиқинди миқдорини меёрдагидан кўп бўлишига олиб келади. Бу кўрсаткич 2% дан 20% гача бўлиши бир қатор ишларда таъкидланган.

Одатда, неслар тараш жараёнида яхши ажратилган бўлса, улар билан бирга калта толалар ва нуқсонлар ҳам яхши ажралган деб ҳисобланса-да, тажрибалар бунинг аксини исботлаганлиги маълум. Непс, калта толалар, нуқсонлар миқдори ва тараш машинасининг тозалаш самарадорлиги таҳлил қилинганда, мазкур нуқсонлар бир-биридан мустақил равишда ажралиши исботланган.



5-расм. Тараш пилтасидан несп, нуқсонлар ва калта толаларни тараб ажратиш самарадорлиғи, % ва тараш пилтасида несп ва калта толалар SFC улуши

Гистограммалардан кўринадик (5-расм) тадқиқот ишларимизда Lot-1 га кирган пахта толаси таркибида калта тола миқдори 4,63 % чегарасида ва несп миқдори 227 дона (грамм/тола) мавжудлиғи билан толалар қабул қилинган. Манбалардан маълумки Uster® тизими бўйича 1грамм тола тутами таркибида 250 дона несп бўлиши салбий баҳоланади. Lot-2 ва Lot-3 пахта толаси таркибида калта толалар миқдори 8,7 % ва 10,3 % чегарасида ва несп миқдори 269 ва 300 дона (грамм/тола) мавжуд бўлган пахта толаси қабул қилинганлиги ва ҳалқаро талаб этилган кўрсаткичлардан юқори

эканлигибилан изоҳланади. Бу билан шуни таъкидлаш мумкинки, калта толалар ва непс кўпайиши ип сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир этади. Бизни мисолимизда Lot-1 га мансуб пахта толасидан энг мақбул кўрсаткичларга эга бўлган рақобатбардош ип ишлаб чиқарилди.


Демак, пахта тола аралашма таркибида калта тола миқдори қанча кам бўлса, йигириш корхоналари кўпроқ фойда олиши боис бу корхонанинг асосий мақсади ҳисобланади. Бизни тавсиямиз, анъанавий типовой сортировка билан бир қаторда арашма тузишда толанинг калта тола улуши ва непс миқдорини инобатга олиш зарур бўлади. Шунингдек, ушбу бобда, йигирув технологик жараёнида ипнинг хоссаларига жиҳозларнинг чўзиш жараёнлари таъсири ҳам ўрганилди.

Йигириш жараёнида маҳсулотнинг нотекислиги, ўтимларда яримфабрикатларни кетма-кет чўзиш даврида, тола сонининг мунтазам камайиб бориши натижасида ортади. Маҳсулот ингичкалашиб, кўндаланг кесимида тола сони камайиб бориши билан толаларнинг маҳсулот узунлиги бўйича бир текис тақсимланиши кийинлашади. Чўзиш жуда муҳим жараён ҳисобланади, чунки таралган пилтадаги толалар етарли даражада тўғриланмаган, илмоқсимон учлари ёзилмаган ва толалар бир-бирига нисбатан параллеллашмаган бўлади. Таралган пилтадаги толаларнинг қарийб 50 % и ярим илгаксимон, 15 % тўлиқ илгаксимон, 15% иккала учи илгаксимон ва 20 % эса илгаксиз (тўғри) булиши адабиётлардан маълум. Чўзиш жараёнининг кўлами маҳсулот сифатини яхшилаш нуқтаи назаридан жуда катта. Чўзувчи жуфтликларнинг оралиқ масофалари пилтанинг нотекислигига ва нуқсонларига таъсир қилувчи омилдир.

Шуни таъкидлаш керакки, кўйилган мақсад ўтимлар бўйича тола хосса кўрсаткичларининг ўзгаришининг тадқиқотини давом эттириб, чўзилган пилтада тола хосса кўрсаткичлари ўрганилди. Маълумки, бир босқичда катта чўзиш орқали маҳсулотнинг керакли чизиқий зичлигига юқори сифат билан эришиб бўлмайди. Пилта ва ипнинг керакли чизиқий зичлигига эришиш учун, оптимал чўзиш босқичма-босқич амалга оширилади. Пилтани ипга айлантиришда толалар чексиз узунлик бўйича тақсимланиб, пилтани чўзиш натижасида унинг кўндаланг кесимидаги толалар аста-секин камайтиради. Тадқиқотларимизда чўзилган пилталар 1- ва 2-вариантлар сифатида тайёрланди. Иккала вариантда бир хил Trützschler TD-9, TD-8 ускуналари ишлатилади, лекин айрим параметрлар фарқланади, шулардан бири умумий чўзиш 6,9 дан 9,56 га 2,66 мартагача (38%), дастлабки чўзиш эса 1,31дан 1,57 га 0,26 мартагача (16,5%) катталаштирилди. Чўзиш жараёнини пилта сифатига таъсирини аниқлаш учун таралган пилтадан 1-2 ўтим пилталаш машинасида кўшиб сўнг чўзилган пилта намуналари олинди. Чўзилган пилтадаги тола хоссаларининг бир бирига солиштириш мақсадида кўрсаткичлари AFIS PRO ва HVI синов ускуналарида аниқланди.

6-расмдаги гистограммалардан кўринадики, тола хосса кўрсаткичлари 2- вариантда 1-вариант синов натижаларига нисбатан яхшиланган. Айниқса толанинг узунлик кўрсаткичлари, яъни ўртача узунлиги, юқори ўртача

узушлик, тола узушлиги пилталаш машинасида умумий чўзиш 2,66 марта (38%) ва бошланғич чўзиш 0,26 марта (16,5%) ошганда толалар бироз узайган. Бу калта тола улуши чўзиш жуфтликлари оралиқ разводкасининг оптимал катталигини аниқлаш натижасида 6,0% дан 5,2% га, яъни калта толаларнинг вариантлар орасидаги нисбий фарқи 7,5 % га камайганини кўриш мумкин.



6-расм. Пилталаш иккинчи ўтимдан сўнг икки вариант бўйича пилтани солиштирма сифат кўрсаткичлари


Кафолатли ҳато 3% ни ташкил этиши инобатга олинса, 7,5 % кўрсаткич калта толаларнинг амалда сезиларли камайганлигини исботлайди. Пилтанинг нотекислиги (U%) ҳам натижада 3,25% дан 2,68% га камайган. Бундан ташқари 1-вариантда калта тола бўйича Uster® тизими сифат категорияси 25% - 50%, яъни 2-3 синф оралигида бўлса, пилталаш машинаси параметрларини оптималлаш натижасида мазкур кўрсаткич бир синф юқорилаб, 1-2 синф оралиғига тўғри келиши сифат яхшиланганини кўрсатади. Чўзиш жараёни жадаллиги (катталиги) оширилса, толага динамик таъсирлар ортиши муқаррар. Шуни инобатга олиб, чўзиш асбоби қуввати максимал қилиб ишлатилмайди. Шунингдек калта толалар билан бир қаторда чўзиш жараёнининг яхшиланганлиги боис пилтадаги ифлосликлар, чанг ва кўзга кўринадиган заррачалар ҳам ажралиши яхшиланиб, улар миқдоран камайганлигини таъкидлаш керак. Бу ҳам пилталаш машинаси чўзиш параметрларини ростлаш натижасида чўзиш майдонида толаларнинг бир – бирига нисбатан силжиб ҳаракатланиши яхшиланганидан далолатдир.

Маълумки, иккинчи ўтим пилтаси йиғириб олиш учун тайёр ҳисобланади. Бунинг учун пилтани 200 ва ундан кўпроқ марта чўзиш зарур бўлади. Амалиётдан маълумки, қуввати катта (200 ва ундан ортиқ) чўзиш асбобларида пилта ингичкаланганда олинаётган маҳсулот (ип) хоссалари бўйича ўта нотекис бўлади. Шунинг учун оралиқ маҳсулот-пилик пиликлаш жараёнида пилтадан олинади.

Тадқиқот ишларини бажариб, корхона шароитида 2-ўтим пилтадан Zinser5M пиликлаш машинасида пилик олинди. Пилик сифатига таъсир

этувчи асосий омил - чўзиш параметрларини икки вариантда ўзгартириб, пилик сифатига таъсири ўрганилди. Пиликлар жараёнида пиликнинг номери Ne 0,85 дан Ne 0,80 ўзгартирилди. Пилик бурамлари сони 48 дан 44 бурам/м га (8,3%) туширилди, рогулька тезлиги эса 1200 мин⁻¹ қилиб олинди. Умумий чўзиш миқдори 7,08 дан 6,66 (5,9 %) га камайиши ҳисобига ишланаётган пилик чизиқий зичлиги ошди. Маълумки, маҳсулот сифат кўрсаткичларига умумий чўзишдан кўра, асосан бошланғич чўзиш катталиги устувор таъсир этади. Бошланғич чўзиш таъсирини ошириш мақсадида, унинг қиймати 1,07 дан 1,14 (6,54 %) га оширилди. Чўзувчи жуфтликлар оралик масофалари 50*60 дан 50*55 га пахта толаси узунлигини ҳисобга олиб ўрнатилди. Олинган пилик сифат кўрсаткичлари гистограммалар кўринишида таҳлил қилинди (расм-7 га қаранг).

7-расмдаги гистограммалардан кўринадикки, тадқиқотларда 2-варианти қабул қилинган чўзиш жараёни катталиклари пиликнинг чизиқий нотекислиги (U%) ва квадратик нотекислиги (CV%) ни яхшилади. 1-вариантда олинган пилик нотекисликлари (U%) ва (CV%) кўрсаткичлари синовларда 4,27 ва 5,33 ни кўрсатган бўлса, бу Uster[®] тизими сифат категорияси буйича 2-3 синф оралиғида бўлади. 2-вариантда пиликлар машинаси параметрларини оптималлаш натижасида мазкур кўрсаткич бир синф юқорилаб, U% -3,78 ва CV %- 4,63 бўлиб, 1-2 синф оралиғига тўғри келиши сифат яхшиланишини кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, пиликлар машинасининг чўзиш асбобида ҳам калта толалар пневмосўргичи ўрнатилганлиги туфайли пилик сифатининг барқарорлиги таъминланади.



7-расм. Чўзиш жараёни параметрларининг пилик чизиқий нотекислиги (U%) ва квадратик нотекислиги (CV%) га таъсири.

Шундай қилиб, пиликлар имкониятлари тадқиқ этилиб, чўзиш параметрларининг пилик сифат даражасини оширадиган қийматлари аниқланди. Барча олиб борилган тадқиқотлар натажаси ип кўринишидаги тажрибаларда таҳлил этилди. Йигирув жараёнида урчуқларнинг айланиш тезлиги 17000 мин⁻¹ да, бурамлар сони 808 б/метр бўлгандаги экспериментал

30/1 (20 текс) инглиз номердаги ип сновлари натижалари 2-жадвалда жамланди.


2-жадвал

Икки вариантда олинган № 30/1 (19.8 текс) ипнинг солиштирма хосса кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари номи	Ўлчов бирлиги	Uster-statistics-2018 (5%)	№ 30/1	
			1-вариант	2-вариант
Чизиқий зичлиги	текс	20	20,10	20,15
Чизиқий зичликбўйича нотекислик	%	0,9	1,83	1,76
Номинал бурамлар сони	б/м		808	808
Бурамларбўйича нотекислик, (CV%)	%	2,50	3,0	2,98
Узиш кучи	сN	380	308	314
Узиш кучи бўйича нотекислик, (CV%)	%	7,0	6,80	7,45
Нисбий узиш кучи, Rkm	сN/tex	18,9	15,80	16,52
Узишдаги узайиш, Elg	%	6,5	6,05	6,16
Uster бўйича нотекислик	%	10,45	11,45	11,28
(- 50%) / ингичка жойлар	Дона/ 1000метр	3	6	4
(+50%) / қалин жойлар	Дона/ 1000метр	50	112	96
(+200%) / тугунақлар	Дона/ 1000метр	112	189	178
Умумий нуқсонлар (IPI)		165	307	278
Тукдорлик	%	4,1	4,80	4,62

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2- вариантда 1-вариантга нисбатан ип хосса кўрсаткичлари яхшиланган. Тадқиқотда 1- ва 2- ўтим пилталаш машинасида ростлаш параметрлари тола хоссаларига қараб ўзгартирилди ва натижада ипнинг умумий нуқсонлари (IPI) камайтирилиб (8-расмга қаранг), ипнинг нисбий пишиклиги (Rkm), сN/текс 4,35 % ошишига эришилди (9-расмга қаранг).

8-расмдан кўришиб турибдики, барча ҳолатларда 2-вариант ипи сифат кўрсаткичларида нуқсонлар камайиши аниқ акс этган. Ипнинг умумий нуқсонлари IPI ўрганилганда, бу кўрсаткичларда ҳам айнан юқоридаги натижалар кузатилади. Бунинг сабаби шундаки, тараш қанчалик яхши бўлмасин калта толалар таралган пилта таркибида қолади. Айнан шу калта толалар қатта тезликда ишлаётган пилталаш машинасида динамик таъсирга учрайди. Янгидан калта толалар пайдо бўлиши ҳам мумкин.




8-расм. Вариантлар бўйича № 30/1 номердаги ипнинг IP кўрсаткичлари

Шу калта толалардан холи бўлиш учун, чўзиш асбобида пневмоотсос қўйилган. У чўзиш майдонида ёйилиб, бир-бирига нисбатан силжиб, икки учи қисилмай ўтаётган калта толаларни сўриб олишга хизмат қилади.

Чўзиш майдонида узун толанинг илашувчанлиги яхши, калта толаники ёмон бўлганлиги учун, калта тола маҳсулотдан енгил ажралади. Барибир калта тола чўзилган пилтада камроқ бўлса-да қолиб, ип хоссасига салбий таъсири камроқ бўлади. Натижада ипнинг нуқсонлари (ингичка, калин жойлар) камаяди, ип сифати эса яхшиланади.

Пилталаш жараёнининг чўзиш жуфтликлари оралиқ масофалари ҳамда умумий чўзишнинг оптимал ошиши билан, калта тола миқдори (SFC) ва нотекистик ($U\%$) пасаяди. Калта тола, яъни назоратсиз толалар камайиши, ипда бурамнинг тенг тақсимланиши, пишиқлик кўрсаткичи R_{km} ошишига олиб келади.



9-расм. Вариантлар бўйича ип солиштирма пишиқлиги (Rkm)га таъсири, сН/текс

Шундай қилиб, пилталаш машинасида умумий чўзишни 6,9 дан 9,56 га 2,66 мартагача (38%), дастлабки чўзиш эса 1,31дан 1,57 га 0,26 мартагача (16,5%) ошириш натижасида чўзилган пилтада калта толалар улушининг 7,5% га камайишига эришилиб, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга кафолат яратилди.

Хулосалар

1. Илмий манбаларни ўрганиш натижасида ипнинг хосса кўрсаткичларига тола сифат кўрсаткичларини ўтимлар бўйича ўзгаришининг ва технологик жихозларнинг ростлаш параметрлари таъсир килиши муқаррарлиги аниқланган, лекин ип хоссалари унинг структураси ва шаклланиш шароитлари билан ўзаро боғлиқлиги илмий асосланмаган. Шунингдек, ип структурасини характерлашда унинг структураси тараш машинаси технологик ва кинематик параметрларига боғлиқлиги кўрилмаган ҳамда корхоналарда ип сифатини яхшилашга қаратилган технологик параметрларни танлаш бўйича усуллар ишлаб чиқилмаган.
2. Илмий манбаларни қиёсий таҳлил этиш натижасида толаларнинг ўтимлар бўйича ўзгаришини, ип шаклланиш параметрларини инобатга олиб, унинг хоссаларини тадқиқ этиш олинмаган ипнинг характеристикасини бошқариш бўйича ишлаб чиқиладиган тавсиялардан иборат асосий илмий муаммо белгиланган.
3. Тараш машиналарининг унумдорлигини ошириш, тараш пилтаси сифатини яхшилаш ва толали маҳсулотларни тараш жараёнлари технологик параметрларини оптималлаштириш, чўзиш жараёни катталик параметрларини ростлаш орқали ипнинг узилишини камайтириш ва сифатини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.
4. Тараш машинаси параметрларини оптималлаш мақсадида тажрибани математик режалаштириб ўтказиш натижасида бош барабаннинг айланишлар частотаси 560 мин^{-1} , шляпкалар ҳаракат тезлиги 360 мм/мин ва қабул барабани айланишлар частотаси 1200 мин^{-1} бўлганда ипнинг непис ва нотекислик сифат кўрсаткичларининг кичик кийматларда бўлиши аниқланган.
5. Тараш машиналарининг унумдорлигини оширишда қайта ишланаётган хомашё хоссаларининг ўзгариши, тараш пилтаси сифатига таъсир этувчи омилларга ростлаш параметрларни таъсирини баҳолаш имконини берувчи математик боғлиқликлар олинган.
6. Тараш машинасининг шляпка ҳаракат тезлигини таралган пилта ва ипнинг сифатига таъсири ўрганилиб, шляпка тезлигини ошириб, ип сифат

кўрсаткичлари яхшиланишига эришилди. Шляпка тезлиги 360 мм/мин бўлганда ип сифати яхшиланса ҳам, узун толалар чиқиндига чиқишининг олди олиниб, шляпкалар 320 мм/мин тезликда ишлаши тавсия этилган.

7. Тараш машинаси қабул барабан итезлиги 1000мин^{-1} дан 1500мин^{-1} гача оширилганда тараш жараёни жадаллиги (интенсивлиги) ошиб, непсларни ажратиш самарадорлиги (NRE %) яхшиланди. Тадқиқот натижалари таҳлилларига асосланиб, қабул барабани 1200мин^{-1} тезликда ишлаши тавсия этилган.

8. Ўтказилган тажрибалар асосида толанинг микронейр кўрсаткичини инобатга олиб, турли ассортиментдаги иплар учун тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўртача чизиқий зичликдаги иплар ($N_e 30-N_e 40$) учун пахта толасининг микронейр кўрсаткичи 3,8-4,4 орасида, катта чизиқий зичликдаги иплар ($N_e 16-N_e 24$) учун эса микронейр кўрсаткичи 4,5-4,8 бўлганда ипнинг асосий хосса кўрсаткичларидан нотекислиги (U%), умумий нуксонлари (IPI) ва R_{km} кўрсаткичи Uster- талабларига тўла жавоб бериши аниқланган.

9. Ўрта толали маҳаллий пахта микронейр кўрсаткичи 4,1дан 4,9 га эгаллиги учун дағал ҳисобланади, лекин тола узунлик коди 38 (штапель узунлиги 35/36 мм) гача бўлганлиги, йигириш технологиясида такомиллашган машиналардан фойдаланиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун тараш машинаси ишини оптималлаш зарурлиги исботланган.

10. Пилталаш жараёнининг чўзиш параметрларини оптимал катталиклари (9,52) аниқланиши натижасида, ипнинг физик-механик хоссаларидан нотекислиги, нуксонлари (IPI) 25% га, чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффиценти (CV %) 17% га камайгани, пишиқлиги (R_{km}) 4,35% ошгани ип сифат кўрсаткичлари халқароталабларга мослиги эришилган.

11. Тадқиқот натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали маҳсулот рентабеллиги юқори бўлиб, ип ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги натижасида корxonанинг йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 403,20 млн.сўмни, бир тонна ишлаб чиқарилаётган ип учун эса 187,8 минг сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТОЖИМИРЗАЕВ САНЖАР ТУРДИАЛИЕВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КАЧЕСТВЕННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ
ВОЛОКНА ПО ПЕРЕХОДАМ В ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ
ПРЯДЕНИЯ НА СВОЙСТВА ПРЯЖИ**

05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган-2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.PhD / T347.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета Наманганского инженерно-технического института (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Парпиев Хабибулла
Кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович
доктор технических наук, стар.науч.сот.

Юсупов Собир Абдужабборович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт, г. Фергана

Защита диссертации состоится «__» августа 2020 года на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz,

Диссертация доступна в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 386).

Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (+99869) 228-76-68

Автореферат диссертации разослан «20» октября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 24 от «20» октября 2020 года).



Мурад

Р.Мурадов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

О.Саримсаков

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

К.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. Одной из ведущих и перспективных отраслей мировой экономики является текстильная и легкая промышленность. Страны Западной Европы, США, Китай, Индия, Корея, Турция, Япония, Пакистан, арабские страны и Индонезия являются основными экспортерами текстильной продукции. На эти страны приходится 80% мирового текстильного производства. В частности, высокие результаты были достигнуты в США, Японии, Германии, Италии, Китае в производстве пряжи высокого качества и физико-механических свойств, которая считается текстильным сырьем, с целью повышения эффективности текстильной промышленности, обеспечения качества продукции и конкурентоспособности. особое внимание уделяется технологическим инновациям, изменению и расширению ассортимента продукции в соответствии с растущими потребностями и потребностями населения.

